



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 23 июнь, жума № 24 (407)

Сотувда нархи эркин

Гулистон шаҳрида кадрлар билан ишлаш ҳамда кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Ушбу тадбирни «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси ташкил этди. Унда республика-миз вилоятлари ва Қорақалпоғистон

Республикаси кадрлар хизматида ишлаётган ходимлар иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни «Сирдарё Телеком» ҳиссадорлик жамияти бош директори С. Умаров очди ва вилоятда кадр-

лар билан ишлаш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компаниясининг

СЕМИНАР-КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

етақчи мутахассиси К. Султонова, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги юридик-ҳуқуқий бўлими бошлиғи уринбосари М. Тургунов, «Сирдарё Телеком» ҳиссадорлик жамиятининг етакчи муҳандиси

У. Ражабалиевнинг ҳам маърузалари тинланди.

Маърузалар юзасидан булган муҳокамаларда кадрлар хизмати ҳамда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш буйича саволларга етакчи мутахассислар жавоб беришди.

Кенгаш охирида меҳмонлар Гулистон шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Умар РАЖАБАЛИЕВ,
«Сирдарё Телеком»
ҳиссадорлик жамиятининг
етақчи муҳандиси

АЛОҚА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

«Маҳаллий Телеком» АК ва «Ўзбектелеком Интернейшнл ХЖ» қўшма корхонаси мутахассислари Самарқанд вилоятида бўлишиб, «Самарқанд Телеком» шўба корхонаси ва унинг филиалларида телекоммуникация борасида қилинаётган ишлар билан танишдилар.

Гуруҳнинг жойлардаги иш фаолиятларини урганиш натижаларига бағишланган кенгаш «Самарқанд Телеком» шўба корхонасининг мажлис залда бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, корхона ходимлари, филиал раҳбарлари ҳамда иқтисодчи ва бош ҳисобчилар иштирок

этишди.

Кенгашни «Маҳаллий Телеком» АК бош директорининг биринчи уринбосари Э. Аллаев олиб борди ва «Самарқанд Телеком» шўба корхонаси фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи вилоятда баъзи камчиликларни мустасно қилганда, телекоммуникация соҳасида қатор ижобий ишлар амалга оширилганини айтиб ўтди. Шунингдек, кенгашда «Самарқанд Телеком» шўба корхонаси бош директори Ҳ. Ҳақимов сузга чиқиб, корхона ва филиаллардаги ютуқлар ва камчиликлар ҳусусида тўхталиди.

Шундан сўнг тафтиш

гуруҳларининг раҳбарлари — «Ўзбектелеком Интернейшнл ХЖ» қўшма корхонаси бош директори уринбосари Э. Ҳақимов, «Маҳаллий Телеком» АКнинг етакчи мутахассиси К. Юнусов, «Ўзбектелеком Интернейшнл ХЖ» қўшма корхонасининг шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқлари менежери М. Сафаров ва «Маҳаллий Телеком» АК етакчи мутахассиси Л. Кузиналар сузга чиқиб, уз хулоса ва тақлифларини билдиришди.

Иигилиш сўнггида тегишли чора-тадбирлар ва келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Зебо ХУДОЁРОВА,
Самарқанд вилояти

ЯНГИ АТС ИШГА ТУШИРИЛДИ

Фарғона вилоятининг Фурқат туманида янги замонавий АТС ишга туширилди. Ушбу янги АТС Словениянинг «Искрател» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган.

Янги станциянинг ишга туширилиши муносабати билан Фурқат тумани марказида йиғилиш бўлиб ўтди. Тақдимот маросимида

«Фарғона Телеком» ХЖ ва қўшни Андихон, Наманган, Самарқанд вилоятлари алоқа корхоналаридан вакиллар иштирок этишди.

Маросимда «Фарғона Телеком» ХЖ бош директори Д. Тошматов, «Маҳаллий Телеком» АК бош директори А. Журабоев, Словениянинг «Искрател» фирмасининг Москвадаги ваколатхонаси бош

директор уринбосари Зупан Богданлар янги АТСнинг афзалликлари ҳақида гапирди.

Туман аҳолиси яратилган қулайликдан мамнун. Энди мижозлар дуненинг исталган нуқтаси билан бемалол сузлаша оладилар.

Ф. УМАРОВА,
Фарғона вилояти

БИР МАРТА КЎРГАН АҲЗАЛ...

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги-га қарашли алоқа корхоналари ҳамда ташкилотларининг бир гуруҳ раҳбарлари, мутахассис ходимлари Франция, Буюк Британияда ўтказилган икки ҳафталик ўқишда иштирок этишди. Хўш, ушбу сафардан қўзланган мақсад ва режалар нималардан иборат эди? Мухбиримиз шу ҳақда мазкур сафар иштирокчиси, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Муборак Ҳошимовна РУСТАМОВА билан суҳбатлашди.

— Европанинг энг ривожланган мамлакатлари — Франция ва Буюк Британияда бир гуруҳ алоқа ходимлари, раҳбарлари икки ҳафталик ўқишда бўлиб қайтдик. — дейди Муборак Ҳошимовна. — Бизнинг Давлат алоқа инспекциясидан икки нафар ходим ва мен мазкур ўқишда қатнашдик. Ўқиш TESIS лойиҳаси асосида ташкил қилинган эди. Ходимларимиз малакасини ошириш, Давлат алоқа инспекцияси ишларини такомиллаштириш, хорижлик ҳамкасблар ишлари билан яқиндан танишиш ушбу ўқишдан қўзланган асосий мақсад эди.

Икки нафар ходимимиз Франция давлатида бўлишди. Улар мазкур давлатдаги ART — яъни Телекоммуникацияларни бошқариш агентлиги (регулятор) Франц Телеком, мобил алоқа бўйича оператор Сежелет ва INT-Training Centre — Телекоммуникациялар соҳасида мутахассисларни тайёрлаш марказида бўлиб, ўқув машғулотларида қатнашди. Шунингдек, алоқа корхоналаридаги иш жараёнлари билан танишди.

Мен эса Лондонда ўтказилган ўқув машғулотларида қатнашдим. Мазкур ўқишлардан жуда кўп нарса ургандим деб дадил айта оламан. Айниқса, ўқиш жараёнидаги эркинлик менга жуда ёқди.

— Муборак Ҳошимовна, шу ўринда Буюк Британиядаги алоқа корхоналари фаолияти ҳақида тўхталсангиз?

— Бажонидил, Буюк Британиядаги энг йирик асосий алоқа компанияси Бритиш Телекомда 130 минг нафар ходим меҳнат қилади. Ходимлар учун барча зарур шароитлар яратилган. Бу ерда алоқа соҳасини бошқаришнинг ягона тармоғи ташкил қилинган. Тармоқ тўлиқ компьютерлаштирилган. Мазкур давлатнинг энг чекка қишлоғидаги телефон носозлиги ҳақидаги шикоят бир зумда ягона тармоқ орқали Бритиш Телекомга етиб келади ва теъдда чора қўрилади. Бритиш Телеком қошида ўқув марказла-

ри бор. Бу марказларда ходимлар тез-тез ўқитилиб турилади. Бозор шароитлари, талаблари урганилиб, ана шунга мувофиқ ходимлар малакасини ошириб борилади.

— Буюк Британияда Давлат алоқа инспекциясига ўқиш корхона ҳам борми?

— Буюк Британияда бизнинг корхонага ўқиш Офтел-регулятор бор. Унда 70 нафардан зиёд ходим меҳнат қилади. Офтел-регулятор ходимлари асосан корхоналарда лицензия ва унинг шартномалари бажарилишини, иш сифатини, аудитор текширувларини назорат қилиб боришади.

— У ерда шикоятлар асосан нималар ҳақида экан?

— Телекоммуникация соҳасидаги ишлар жуда пухта ташкил қилинган. Шу боис ҳам телефон хизмати ҳақида деярли шикоятлар бўлмас экан. Аммо телефон хизмати учун тулов варақаларини нотўғри юборилганлиги ҳақидаги шикоятлар тез-тез бўлиб туради. Бритиш Телекомнинг мижозлар билан ишлаш марказида ҳар қандай муаммо теъдда бартараф этилади.

— Ўқиш давомида яна қандай тадбирларда қатнашдингизлар? Умуман кўнча Лондон сизда қандай таассурот қолдирди?

— Бир қатор муҳим тадбирларда қатнашдик. Телекоммуникация тармоғида хавфсизликни таъминлашга бағишланган тақдимот маросими қизиқарли ўтди.

Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал деган ҳикमतда гап кўп экан. Лондоннинг ўтмишидан дарак берувчи кўнча обидалари, тарихий ёдгорликлари, сокин ҳамда ораста қўчалари, замонавий бинолари, доимо юзиде табассум билан муомала қиладиган дилқаш ва самимий одамлари менда жуда катта таассурот қолдирди.

Абдуғани
АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«ХАВАР» газетасига 2000 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обунани давом этмоқда:

Нашр кўрсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун 227.

Ташкилот ва корхоналар учун 228.

Ҳар ҳафтанинг муборак жума кўни «Хабарни олишга шошилинг!»

ҚЎШМА КОРХОНАГА МУКОҒОТ

«КОСКОМ» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бизнес соҳасидаги муваффақиятлари учун Бельгияда бўлиб ўтган «Евро-Маркет-Форум» тақдимот маросимида Европа Иттифоқининг «Euro-Market-Awaya 2000» мукофо-

ти билан тақдирланди. Ўзбекистон миллий матбуот марказида мазкур мукоғот эътирофига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди. Анжуманда қўшма корхона бош директори А. Степанов ва директор уринбосари А. Орифонов йиғилганларга

корхонанинг иш фаолияти ҳусусида батафсил маълумот беришди.

Бош директор мазкур мукоғот нафақат корхона учун балки, республикамиз учун ҳам катта воқеа булганини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз

СОДИҚЛИК САОДАТИ

Ҳаётда икки инсон бир-бирига айнан ухшамаганидек, бир кишининг тақдириникикинчи одамнинг кечмишига, қисматига мос келмайди. Ҳар бир одам ҳаёти ўқилмаган китоб.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Содиқжон аканинг ҳаётида ҳам қувончли ва ташвишли кунлар кўп бўлган.

Ҳамкасбимизнинг ҳаёт саҳифаларини аста-аста варақлаймиз. У Мингбулоқ туманидаги 3-урта мактабни битиргач, кўп ўтмай ҳарбий хизматга чақирилди. Хизматдан сўнг қишлоқ алоқа бўлимида иш бошлади. Шу тариқа унинг тақдир алоқа соҳаси билан боғланиб кетди ва алоқачилик бир умр унинг касбига айланди.

Меҳнат инсонни улуглайди. У қишлоқ алоқа бўлимида уч кишига бош бўлди. Туман алоқа бўлимида иқтисодчилик қилди. Кўп ўтмай туман алоқа бўлими бошлиғи уринбосари бўлди.

Уша даврда туманда 13 та алоқа бўлими бор эди. Аҳолига 470 та телефон хизмат қиларди. Ер шароитининг зах ва шурлиги сизот сувнинг ер сатҳига яқинлиги ҳамда қишлоқларнинг тарқоқлиги алоқада узилишлар бўлишига сабаб бўларди. У тажрибали алоқачилардан Василий Соколов, Юрий Кормаков, Туланбой Раҳимов, Зоя Ми-

хайловалар билан бамаслаҳат иш қилди. Вилоятда биринчилар қатори Алоқа уйи қуриш унинг зиммасига тушди. Ягона лойиҳа асосида уч қаватли кўркам замонавий бино қуриш бошланди. Уни энг янги техника асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш қурилиш билан бир вақтда олиб борилди. Кўркам, мухташам кўп қаватли бино шаҳарча қуркига қурқ қўшди. Унинг очилиши алоқачилар байрамига айланиб кетди. Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов Алоқа уйи очилишида иштирок этди. У эккан чинор ҳамон қўкка буй чузиб турибди. Бино очилишида республика бош раҳбари билан юзма-юз туриш ҳаяжонлари Содиқжон аканинг ёдидан кўтарилмайди.

— Қувончли дақиқалар ҳаётимда кўп бўлган, — дейди биз билан сўхбатда Содиқжон ака. — Онамнинг дуосини олиш, биринчи фарзанд қуриш, устозлар олқиши, шогирдлар камоли, юртни обод ва озод қуриш, ўзинг эккан дархатнинг илк нишона курсатиши унутилмас воқеалардир. Укинчли кунларимиз ҳам йўқ эмас. Отамиз иккинчи жаҳон урушида бедарак кетди. Онамиз жуда ёш бева қолдилар. «Ота» сузини айтолмай отасиз усдик. Онамиз икки ўғил, бир қизни оқ ювиб, оқ

таради. Раҳматли умрининг охиригача бизга ҳам оналик, ҳам оталик қилдилар. Яна бир укинчли шукки, онамиз истиқлолни қўролмадилар. Акамлар муборақ ҳаж сафаридан келганларида уйимиз туридаги онамларнинг ўрни бўш эди.

Алоқа уйи битгач, ходимлар сони 182 кишига етди. 2600 та шаҳар телефон нўқтаси ишга тушди. Довдуқ, Гуртепа, Момохон, Меҳнатобод, Бўстон қишлоқларида 1700 нўқтали автомат телефон станцияси қурилди. Радионўқталар 4000дан 8900 тага кўпайди. Шаҳарлараро алоқа боғланиш аппаратлари, линиялари янгиланди. Олтига қишлоқда янги алоқа бўлими биноси қурилиб, ишга туширилди. Бу ишларни

бажаришда унга устози, ҳозирда «Наманган Телеком» бош директори уринбосари, меҳнат фаҳрийси Ҳамидулла Нурматов яқиндан ёрдам берди.

Содиқжон ака ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент Алоқа коллежини, Андижон пахтачилик институтини битирди. У мустақиллик шарофати билан тадбиркорлик ишларига қўл урди. Яқин бир гектар ерда деҳқон хужалиғи ташкил қилиб, бугун бунёд этилди. У қурдирган тегирмон, обжувоз ҳамқишлоқлариға беминнат хизмат қурсатяпти.

Содиқжон Мирзалиев айни пайтда «Наманган почтаси» ҳиссасдорлик жамиятининг Мингбулоқ филиали бошлиғи. У раҳбарлик қилаётган филиалда 8638 нафар кишига ҳар ойда 41

миллион 38 минг сўмлик нафақа пуллари тарқатилляпти. Ижтимоий Ҳимояга муҳтож кишиларга беминнат хизмат қурсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Даврий матбуот тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарори асосида матбуот нашрларини ва турли жўнатмаларни ўз эгасига етказиш борасида филиалда ибратли ишлар қилиняпти.

Умр йўлдоши Холтожихон билан турт ўғил ва уч қизни тарбиялаб, вояга етказган Содиқжон ака Мирзалиев оиласига, ёр-дустларига, ўз касбиға содиқлик саодати билан яшяяпти, ишляяпти.

**Шамсиддин
ТОШТЕМИРОВ,
Наманган вилояти
давлат алоқа
инспекцияси бошлиғи**



Солияхон Юнусалиева Фаргона темир йўл маъмуриятиға қарашли Кўхон алоқа хизматида меҳнат қилиб келмоқда. Унинг бу тармоқда ишляётганига 25 йил бўлибди.

— Солияхон опамдан касбимизнинг кўп сирларини ўргандим. Ҳамкасб қизларимизнинг кўплари уни устоз деб билишади, — дейди шогирди Дилбархон Назарова.

СУРАТДА: Солияхон ЮНУСАЛИЕВА (олдинда) ва Дилбархон НАЗАРОВА, А. ДАМИНОВ олган сурат

МУСОБАҚАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкентда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиғи ва Республика алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий қўмитасининг кубоғи учун республика-ми мустақиллигининг 9 йиллиғига бағишланган мини футбол бўйича Тошкент шаҳар алоқа корхоналари ўртасида 16 ва 17 июнь кунлари ўтказилган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди.

«ЭМММ» — «Ўздуробита» ҚҚ 1:6.

«МАТБ» — «ТШТТ» ҲҲ 3:5.

«РУТМ» — «МТУ» ҲҲ 1:3.

«РТИРБ» — «ФТМТМ» 3:10.

Дастлабки ўйинлардан сўнг А-группида ФТМТМ командаси, Б-группида эса «Ўздуробита» ҚҚ командаси пешқадамлик қилмоқда.

Навбатдаги ўйинлар Алоқа коллежи спорт залида қуйидаги тартибда бўлиб ўтади.

«ДФХ» — «ДАИ» 23.06. 17-00.

«РУТМ» — «ТЗАИ» 23.06. 18-00.

Алоқа коллежи — ШАТҲИЧБ 24.06. 9-00.

ЭМММ — «Алоқабанк» 24.06. 10-00.

Футбол ишқибозларини ўйинларни томоша қилишға тақлиф этамиз.

А-группи

т/р	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Б	О
1.	ФТМТМ	2	2	—	—	21-6	+15	6
2.	«Ўзбекистон почтаси» ДАК	2	2	—	—	5-1	+4	6
3.	ДФХ	2	2	—	—	6-4	+2	6
4.	МТУ ҲҲ	2	1	—	1	9-4	+5	3
5.	ДАИ	1	—	—	1	1-2	-1	0
6.	ТЗАИ	2	—	—	2	2-6	-4	0
7.	РТИРБ	1	—	—	1	3-10	-7	0
8.	РУТМ	2	—	—	2	4-18	-14	0

Б-группи

т/р	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Б	О
1.	«Ўздуробита» ҚҚ	2	2	—	—	8-2	+6	6
2.	«ТШТТ» ҲҲ	2	2	—	—	7-3	+4	6
3.	«Алоқабанк»	2	1	1	—	12-11	+1	4
4.	УзПТА	2	1	—	1	11-7	+4	3
5.	Алоқа коллежи	2	—	1	1	9-10	-1	1
6.	МАТБ	1	—	—	1	3-5	-2	0
7.	ШАТҲИЧБ	1	—	—	1	3-8	-5	0
8.	ЭМММ	2	—	—	2	1-8	-7	0

ТАВРИКЛАЙМИЗ!

«Фаргона почтаси» ҳиссасдорлик жамиятининг Ровон филиали жамоаси Сариканда алоқа бўлими бошлиғи Бахтиёржон АБДУРАҲМОНОВНИ таваллуд толган кўни билан чин қалбдан табриклаб, унга сихат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

УЗОҒИМИЗНИ ЯҚИН ҚИЛАДИГАН ЯНА БИР МАСКАН

Телефон хизматисиз ҳаётимизни тасаввур этиш қийин. Чунки у узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган беминнат дастёрдир.

Пойтахтимизнинг Олой бозорида «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссасдорлик жамиятиға қарашли телефон шахобчаси ишга туширилди. Бозорнинг энг гавжум жойида жойлашган сўзлашув масканида мижозлар учун барча қулайликлар яратилган.

Биз мазкур шахобча оператори Зилола ПАРПИЕВА билан сўхбатлашдик.

— Ушбу шахобчанин қандай афзалликлари бор?

— Бизнинг шахобча компьютерлаштирилган. Мижозларимиз телефонда қанча вақт гаплашганларини ўзлари қўриб туради. Оператор билан келишмовчиликлар бўлмайди. Биз ҳам компьютерда сўзлашув вақтини кузатиб борамиз.

— Қайси шаҳарлар билан боғланиш мумкин?

— Нафақат шаҳарлар билан балки бутун дунё билан боғланиш мумкин. Кўпинча қўшни давлатлар, вилоятлардан келган талабалар келишиб, ота-

оналари билан гаплашиб кетишади.

— Бир кунда қанча мижозга хизмат қурсатасизлар?

— Тахминан 400-450 нафар мижозга хизмат қурсатамиз. Шаҳобчамизни ишга тушганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Мижозларимиз кундан-кунга кўпайиб борапти.

— Зилола опа, шу ишни танлаганингниздан ҳеч афсусланганимиз?

— Ишимиз жуда масъулиятли. Соат 9.00 дан 20.00 гача ишляймиз. Баъзи пайтларда дам олиш ёки байрам кунлари ҳам ишлашга туғри келади. Лекин ҳеч қачон танлаган касбимдан пушаймон бўлмаганман. Одамлар билан ишлаш менга ёқади. Уларнинг раҳмат айтиб кетишлари мени руҳлантириб боради.

— Оператор қандай бўлиши керак?

— Биринчи навбатда ширинсухан, хушмуомала бўлиши керак.

— Сўхбатингиз учун раҳмат.

Шухрат ИСМОИЛОВ
сўхбатлашди

«Электралоқа таъминот» ҳиссасдорлик жамияти «Алоқа таъминот» ҳиссасдорлик жамиятининг собиқ директори **Жонибой АЙТМУРАТОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва ёру-биродарлариға чўқур таъзия билдиради.

«Қашқадарь почтаси» ҳиссасдорлик жамияти жамоаси корхона директори Умид Воҳидовға отаси

Маматқул ВОҲИДОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолариға чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиғи жамоаси Республика алоқа вазирининг собиқ уринбосари, нафақачи Ҳ. М. Маҳкамоваға турмуш уртоғи

Наби Раҳимович РАҲИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компанияси жамоаси «Қашқадарь почтаси» ҳиссасдорлик жамияти директори У. Воҳидовға отаси

МАМАТҚУЛ отаниннинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

● Мерос

ОЧКУЗ

Бир кун икки муътабар киши хурмо ер эдилар. Улардан бири еган хурмоси данакларини олдига туглар, иккинчиси данакларни шеригининг олдига ташлар эди. Хурмо тамом булгандан кейин қарасалар, бирининг олдига бир уюм данак, иккинчисининг олдига эса ҳеч нарса йук. Олди буш киши мугтойиба юзасидан шеригига деди:

— Очкуз кишини хурмо еганда синаса буларкан. Қаранг, шунча хурмони битта узингиз еб куйибсиз-а!

Шериги дарҳол жавоб қайтарди:

— Кузи туқ кишилар хурмонинг данагини ажратдилар. Очкузлар эса хурмони ҳам, данагини ҳам тановул қилавердилар. Инсоф билан айтингчи, қай биримиз очкузроқ эканмиз?!

**ГАЗНАВИЙ
ВА БЕРУНИЙ**

Шарқнинг машхур мута-

факкир олими Абу Райҳон Беруний Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг қошида мулозим эди. Бир кун сафардаги Султон Маҳмуд тўрт томонда эшиги бор уйда утирар эди. У ҳақимни чақириб деди:

— Қани, ҳукм қил, бу эшикларнинг қайси биридан чиқиб кетаман. Огоҳлантириб қўяй, агар ҳукминг нотўғри булса, бошинг кетади.

Ғазнавийнинг бу қадар қаҳру ғазабидан Беруний ваҳимага тушди. Ночор-ноилож устурлобини олиб, мулоҳаза қилди ва бир нарсаларни ёзиб, эҳтиёткорлик билан Ғазнавийнинг ёстиғи остига тикиб қўйди.

Маҳмуд Ғазнавий унга эътибор ҳам бермасдан, дарҳол бир муншийни чақириб, шимолий шарқ томондан тешик очишни буюрди. Сунгра уша ердан ташқари чиқиб, Берунийнинг ёстиқ остига қўйган қозонини олиб келишни буюрди. Мулозимлар дарҳол олиб келдилар. Уқисалар, ҳақим

бундай деб ёзибди: «Султон ҳеч қайси эшикдан чиқмайдилар. Деворни шимолий шарқ томондан тешиб чиқадилар».

Султон ҳайрон бўлиб қолди. Кейин олимнинг салоҳиятига таҳсин айтиб, шу ернинг узидакъ юз минг дирҳам пул, от ва халатлар бериб, аъёнлари орасида иззатини бажо келтирди.

**ЭНГ ЕНГИЛ
АЪЗО**

Хисрав Парвиз раиятга зулм қилувчи бир амалдорини ҳузурига қақирди. Амалдор ялқовлик қилиб, ҳадеганда келавермасдан пайсалга солди. Шунда Парвиз шу диврнинг ҳоқимига буйруқ юборди:

— Унинг танаси келиш учун гарон (огир)лик қилган қуринида. Шунинг учун унинг энг енгил аъзоси, яъни бошини юборгин.

● 2000 йил — Соғлом авлод йили



Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

ДОНОЛАР ИЧКИЛИКБОЗЛИК ҲАҚИДА

Сенга берилган неъматларнинг энг улуғи ақлдор. Шундай неъматни ичкилик туфайли бирор кун зое қилсанг, сени пас-та уради. Ичкилик ва уни қўйиб берувчи ҳам сени тўғри йўлдан чиқарувчидир.

Биз уз фойда-зарарини билмайдиган маҳлуқлармиз, ахир дунёда майдан булак ҳам лаззат берувчи неъматлар жуда мўл-ку.

Майхўр ҳавт қадрини билганда эди, майни дўстларига эмас, душманларига ичирган бўларди.

Май дўстларни койиш, улар билан жанжаллашиш, ҳамсуҳбатларига озор бериш ва ўқин кишилардан жудолашишга сабаб бўлади.

Ичкилик ҳар бир балонинг эшиги, сөн уша эшикка бош суқшидан эҳтиёт бўл.

Май уз ичувчиларининг яширин сирларини ошқора қилиб беради.

Абу Ало ал МААРИЙ

Ақли киши наҳорда шароб ичишдан сақланади. Мияси кучсиз киши тез маст

булади. Шаробнинг зарари кўпроқ мияга уради.

Инган киши сабабсиз севинади, деб уйлаш беҳудадир. Шароб заҳарларнинг биридир.

Кетма-кет маст бўлиш жуда ёмондирки, жигарнинг ва миянинг мижозини бузади, асабни кучсиз қилади. Асаб касалликларини, сакта (мияга қон қўйилиши) касаллигини пайдо қилади ва тўсатдан ўлим юз беришига сабаб бўлади.

Абу Али ибн СИНО

● **Ажаб дунё**

ЎЗ СОВҒАСИНИ СОТИБ ОЛДИ

50-йилларнинг машхур артисти Мэрилин Монрони ҳали кўпчилик яхши эсласа керак. У тақинчоқларни кўпам ёқтирмади. Шунинг учун уни ҳеч қачон сотиб олмаган. Тақинчаларнинг барчаси совгага келган. Бунга «Фокс ХХ аср» кинокомпанияси ҳамда Аоя Микимото компанияси совга қилган марварид шодаси ва бошқа тақинчоқларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1954 йили Мэрилин узининг севгилиси, бейсбол юлдузи Жо Ди Мажио билан Японияда «асал ойи»ни ўтказавтган пайтда Япониянинг Микимото компанияси қимматбаҳо марварид шодасини совга қилган эди. Худди шу маржоннинг тақдирини қизиқ бўлган, яъни Мэрилин ўлимидан сал аввал уни меҳрибон

устозининг хотини, қадрон дўгонаси Поле Страссбергга совга қилади. У эса ўлимидан олдин қизи Сюзаннага қолдиради. Сюзанна ҳам оламдан ўтади. Уша марварид шодаси кимшоши савдосига қўйилади. Қизиги шундаки, уни яна аввалги соҳиб — Микимото компанияси сотиб олди. Фақат бу гал аввалги баҳосидан бир неча баробар қимматига олди. Компания эндиликда Монро хотирасига худди шу тақинчоқнинг бир неча нусхаларини ишлаб чиқарди ва бу марваридлар тезда сотилиб кетди. Улардан бирини артист Ума Турман, иккинчисини эса теннисчи Штеффи Граф сотиб олди. Тақинчоқларнинг ҳар бири 10 минг долларга пулланди.

Д. ТОШКЕНБОВА
тайёрлади

Олма ва қатик одамларнинг узоқ яшаши учун энг зарур озуқалардан бири бўлса ажаб эмас. Олмада витамин ва маъдан тузларнинг мултиги илгаридан маълум. Ундаги пектин моддаси геронтологлар эътиборини тортмоқда. Маълум бўлишича, пектин организмдан барча

ОЛМАДА ГАП КЎП

ортиқча ва зарарли моддаларни чиқариб ташлайди.

Паришонхотирлининг олдини олиш учун кунига 15 грамм пектин кифоя экан. Шунча миқдор эса иккита уртача олмада бўларкан.

Олма кальций тузларини ўзлаштиришни енгиллаштиради, юрак мушакларини мустаҳкамлайди, бодни даволайди, озиш учун парҳеъда ишлатилади. Чунки у кам калорияли бўлиб, тўқлик ҳиссини беради.

А. АЛИЕВ тайёрлади

— Реклама чиндан ҳам ёрдам беради, деб уйлайсизми?

— Булмасам-чи! Қоровул керак, деб эълон берган эдим, дўконимни шип-шийдам қилиб кетишди.

Буфетчи официантга:
— Маст булган мижозлар-

ти» деб бақирди.
— Кеча қаттиқ дўл ёгани эсингиздан чиқдимми?

Янги раиснинг пейзажи мана бу хабарни қабул қилди:

«Дада зудлик билан Антарктидадан оқ айиқларни олиб келинг. Географиядан

ЯНГИ ХАНДАЛАР

ни кучага судрашни бас қил. Сен вагон-ресторанда ишлаётганингни унутган қуринасан.

Ҳайвонот боғида шундай эълон пайдо бўлди:
«Туяқушларни хуркита қурманглар! Пол бетондан ишланган».

— Автомобиль фалокатидан жабрландингизми? — суради бемор, шифохонага янги жойлаштирилган қўшниси, кимё ўқитувчисидан.

— Йук, дарсликда нотўғри ёзилган ҳарф туфайли жабрландим.

— Доктор, эримни қандай даволасам бўлади? — суради аёл руҳшунос шифокордан.
— Эрингиз мутлақо соғпасоғ.

— Лекин, у кеча уйга юғуриб келиб, «кучада ҳамма итлар зонт тутиб кетишяп-

ийқилаяпман».

— Официант келтирган товугингизнинг бир оёғи калта экан-ку?!

— Нима, товук билан рақс тушармидингиз, ахир уни егани олгансиз-ку.

Хуранда официантдан овқат билан бирга бир стакан вино ҳам келтиришни илтимос қилди.

— Қизилданми, оқиданми? — суради официант.

— Барибир, мен дальтоникман, рангларни фарқлай олмайман.

Бир эркак бандлик хизмат идорасига иш ахтариб келди.

— Кўнглигиздан нима иш келади? — сурашди ундан.

— Ер чопиш келади.

— Нарвон ясаш ҳам келадими?
— Келади, аммо бунинг учун чуқурроқ чопиш керак бўлади.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

●

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Изаат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КўНЛАРИ ЧИҚАДИ

●

Муҳарририятга келган кўламалар (2 оралликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар маъсулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-542.
7127 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Боснишга топшириш — 19.00
Боснишга топшириш вақти — 18.00

123456

